

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Холматов Пардабой Карабекович.-п.ф.н, доцент

Оришев Жамшид Баҳодирович.-ўқитувчи

А. Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси,
Ўзбекистон.

e-mail: orishev-forish@inbox.uz

Аннотация: Мамлакатимизда изчил равишда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол касб эгасини тарбиялашдан иборатдир. Баркамол шахснинг мустақил ва ижодий фикрлаш сифатларини тарбиялаш умумий ўрта таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу мақолада ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни такомиллаштириш технологияси юзасидан услубий тавсиялар баён этилади.

Калит сўзлар: касбга йўналтириш, касб танлаш, касбий тарбия, дарсдан ташқари машғулотлар, касблар олами, ижтимоий институт, миллий кадриятлар.

Аннотация: Основная идея национальной модели обучения, последовательно реализуемой в нашей стране, воспитание разностороннего профессионала. Одна из важных задач общего среднего образования - воспитание в гармонично развитом человеке качеств самостоятельного и творческого мышления. В статье даны методические рекомендации по технологии повышения профессиональной ориентации студентов.

Ключевые слова: профориентация, выбор профессии, профессиональное образование, внеучебная деятельность, мир профессий, социальный институт, национальные ценности.

Resume: The main idea of the national training model, which is consistently implemented in our country, is the education of a versatile professional. One of the important tasks of general secondary education is the upbringing of the qualities of independent and creative thinking in a harmoniously developed person. The article provides guidelines for the technology of improving the professional orientation of students.

Key words: career guidance, choice of profession, professional education, extracurricular activities, world of professions, social institution, national values.

Республикаимизда амалга оширилаётган маънавий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг замонавий босқичи ўқувчи шахси шаклланишида эркинликни таъминлашнинг янги қирралари очиб берилаётганлиги билан тавсифланади. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз томонидан 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши айнан

долзарб масалалардан биридир. Ўқувчи шахсининг касбий билим олишдаги йўналишини ихтиёрий танлаши учун шароит яратишда, аввало, уни эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантириш муаммоси ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизда изчил равишда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол касб эгасини тарбиялашдан иборатдир. Ислохотлар натижаси сифатида шакллантириладиган баркамол шахснинг мустақил ва ижодий фикрлаш сифатларини тарбиялаш умумий ўрта таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларини самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиққан ҳолда кўйилган талаблар ёш авлодни касбга йўналтириш – бу ўқувчиларнинг касб-хунар билан боғлиқ режаларни тузиш, касб-хунар ва меҳнат фаолияти соҳасини танлаш жараёнига раҳбарлик қилиш демакдир. Бундан келиб чиқадики, касб-хунарга йўналтириш мактаб фаолиятининг ажралмас қисми. Бу нафақат мактабнинг, балки барча ўқувчи ёшлар таълим-тарбиясига маъсул ижтимоий институтлар, оила, маҳалла, давлат ташкилотлари, Ёшлар иттифоқи ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Бу борадаги тадқиқотларларнинг ёш авлодни касб танлашга тайёрлашнинг амалий ечимини топишга қаратилган қуйидаги асосий йўналишларини қайд этиш мумкин:

- ўқувчиларнинг касблар оламида йўналиш олишига ёрдам берувчи ҳамда ўз индивидуал имкониятларини ҳаққоний баҳолай олиш кўникмалари зарур даражасини таъминловчи касбий ахборотлар тизимини яратиш;

-ўқувчиларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида шахсни ўрганишнинг ташхис методларини ишлаб чиқиш;

-ёшларга касбий маслаҳатлар уюштиришнинг назарий ва методик асослари ишлаб чиқиш;

-касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятли мотивларини асослаш;

-қишлоқ мактабларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришнинг восита ва йўллари аниқлаш;

-битирувчи синф ўқувчиларини ишчи касбларга йўналтиришнинг мазмуни, шакл ва методлари;

-Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга татбиқ этиш шароитида ўқувчиларни касб танлашга йўллашнинг педагогик шароитлари;

-алоҳида олинган ҳудудий марказларда ёшларни касб танлашга йўллаш ишини бошқариш хусусиятлари.

Шу сабабли ўқувчиларнинг ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган дарс машғулотларидан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ундан оқилона фойдаланишда уларга ёрдам бериш зарур. Барча шакллардаги дарсдан ва мактабдан ташқари ишларнинг чуқур ички моҳияти ўқувчиларни ижтимоий фойдали фаолиятга фаол жалб қилиш, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантириш, индивидуал қизиқишлари, майл ва қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Касбий тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалда жорий этишдир.

Дарсдан ташқари машғулотларда касбий тарбиянинг асосий вазифаси шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

Бунинг учун:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ривожлантириб, бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиб кўриш; болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби касбий тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончиликка, туҳмат, чақимчиликга тоқатсизлик);

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат мулоқотини ўрганиш, ўз халқига, давлатига содиқлик, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқат руҳида тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий

масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия бўйича билимлар бериш;

- мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо бериш, унинг тинчликсеварлик, ошкоралик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;


- ёшларимизни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Дарсдан ва мактабдан ташқари касбий тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш вақтларининг ўқув тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Дарсдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, бунда тўғарак дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит-қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

Дарсдан ташқари таълим мазмуни миллий анъаналар ва қадриятларимиз, Республика ҳудудлари талаблари асосида ташкил этиб, унинг тармоғини кенгайтириш, Президентимизнинг 2019 йил 19 мартдаги “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш” бўйича илгари сурган муҳим бешта ташаббуси асосида замон талаблари даражасида ислоҳ қилиш кун тартибида турган долзарб масаладир.

Биз қатор адабиётларни ўрганиш жараёнида касб танлашга йўллаш тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиб чиқдик. Билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, касб танлашга йўллаш технологиясига қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: «Касб танлашга йўллаш технологияси - ўқувчи ёшларни хоҳишлари, мойилликлари ва шаклланган қобилиятларга асосан жамият ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда иш билан таъминлашни оптималлаштиришга қаратилган педагогик тизим лойиҳасини амалга оширишдир». Таълим жараёни педагогик технологияларнинг асосини, негизини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим оловчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Таълим жараёни қандай шаклда ташкил этилишидан қатъий назар қуйидаги 1- шаклда келтирилган шартларга жавоб бериши талаб қилинади .



1-шакл. Таълим жараёнини ташкил этиш шартларининг умумий тузилмаси

Педагогика лойиҳалаш таълим олиш самарадорлиги (интерфаол жараён) ҳамма ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланади



Ўқувчи кичик гуруҳларда якка тартибда мустақил ва гуруҳ ҳолида мавзуни ўрганади. Ўқитувчи ҳамкорлигида ўзлаштириш даражалари аниқланади. Ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши қобилияти ва имкониятига мос ўзлаштиришига эришиши билан бир қаторда, олган билимларини амалда тадбиқ этиб боради

Юқорида қўлга киритилган натижалар асосида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда касбга йўналтириш ишлари технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълим жараёнининг умумий кўринишини акс эттиради. (2-шакл)

Ишлаб чиқилган функционал тузилмада дастур бўйича ўтказиладиган мавзу лойиҳалаштирилган. Кўриладиган асосий масалаларда мавзуга оид асосий саволлар, таянч тушунча, иборалар, ўқитувчининг ва ўқувчининг мақсадлари, мавзунинг баёни ҳамда мавзудан келиб чиққан назорат топшириқлари ўрин эгаллаган. Мавзу лойиҳасининг узвий боғланган компонентлари таркибий қисмлари сифатида ўқувчиларнинг таълим-тарбияга эришилганлик натижаси, ташқи объектив омилларда маҳаллий ва минтақавий ҳудудда жойлашган (таълим муассасалари ва корхоналар) таъсири, ички субъектив омилларда ўқувчининг индивидуал психик ривожланиш даражаси (қизиқиши ва қобилияти ва ҳ.к), уларнинг ривожланишини таъминловчи асосий омиллар ҳисобга олинади.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида баркамол шахсни шакллантириш, уни келажак ҳаётда ўз ўрнини топиши ва рақобатбардош касб эгаси сифатида тарбиялаш талаби ижтимоий буюртма сифатида юзага келмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг, жамиятда мавжуд касблар доирасининг кенгайиб, чуқурлашиб ҳамда мураккаблашиб бориши ўз-ўзидан шахсга таълим бериш, дунёқарашини шакллантириш, касб танлашга йўналтириш ҳамда ишлаб

чиқариш жараёнидаги фаол иштирокининг кафолати бўлган касбий малакаларини шакллантириш жараёнига нисбатан янгича, самарали ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжини юзага келтиради. Маълумки, таълим тизими жамиятда шаклланган муайян эҳтиёж асосидаги ижтимоий буюртмани бажаришга йўналтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ўқитишга энг замонавий педагогик технологияларни қўллаш услубларини ишлаб чиқиш, билим ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш, уларни таълим тизимида жорий қилишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш зарур. Касб-хунарга тайёрлаш ўқувчиларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятлари, кўникма ва шахс хислатларининг шаклланишида муҳим босқич бўлиб, ўқув фанлари ва дарсдан ташқари машғулотларга ижодий ёндашиш, таълим жараёни ҳамда касбий тарбияни муаммоли таълим асосида умумлаштиришга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кучукбоев Ф. М. ва б. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар. Тошкент. ЎзПФТИ. 2016
2. Холматов П.Қ. Ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси. Монография. Тошкент. Фан. 2006
3. Холматов П.Қ., Рахимов Б.Х. Ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси. Тошкент. Фан. 2006
4. Муслимов Н. А. Шарипов Ш.С. Қўйсинов О. Мехнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. Тошкент. 2014
5. Муслимов Н. А., Муллахметов Р. Касб танлашга йўллаш. Тошкент. 2007
6. Неъматов Ш.Э. Ўқувчиларни касб- хунарга йўналтириш орқали умумий ўрта, ўрта-махсус касб-хунар таълими узвийлигини таъминлаш. Тошкент. 2015